

Ўз вақтида огохлантириш, кутқариш ва ёрдам бериш — бурчимиз!



VAZIYAT

Ўзбекистон Республикаси Фавкулодда вазиятлар вазирлиги нашри



Газета 2004 йил 7 майдан чика бошлаган

e-mail: vaziyat@inbox.uz

2019 йил 14 февраль № 7 (691)

АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ КАБУЛ КИЛИНДИ

2019-2029 йилларда мамлакат атом энергетикасини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Бу қакда "Ўзатом" агентлиги матбуот хизмати хабар берди.

Хужжатда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ("Ўзатом" агентлиги) томонидан тегишли вазирликлар ва идоралар билан узаро ҳамкорлик муносабатларига эътибор қаратилади. Хусусан, бундай ҳамкорликларга асосан 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон ҳудудида атом электр станциясини барпо этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга ошириш бўйича "Йул харитаси" тадбирлари бажарилмоқда.

Қабул қилинган ушбу концепцияда бу борадаги ишлар бардавомлигини таъмин-

лаш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Унга кура, миллий ядро инфраструктурасини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш, мамлакатнинг ядро хавфсизлиги бўйича глобал режимда иштирок этиши, жамоатчилик учун ядро-энергетик дастурнинг очиклиги ва малакали кадрлар билан таъминлаш муҳим масалалардан экани курсатиб утилган.

Айниқса, концепцияда биринчи атом электр станциясини барпо этиш, майдон танлаш ва жойлаштирилишини лицензиялаш, АЭС ни лойихалаштириш, куриш ва фойдаланишга топшириш бўйича келгуси вазифалар белгиланар экан, бу жараёнда атроф-муҳит муҳофазаси ва одамларнинг радиацион химоясини таъминлаш бош устувор режалиги таъкидланган. Яна айнан бунда юртимизда атом фани ва технологияларини ривожлантириш, мамлакат ташкилотлари томонидан АЭС курилиши ва ундан фойдаланишни куллаб-қувватлаш

учун лойихалаштириш, конструкторлик, экологик ва бошқа соҳаларга оид билим ва тажрибаларни ўзлаштириш, бўлажак АЭС учун референт технологияларни танлаш мақсадида ядровий технологияларни ўрганиш жараёнлари ҳам долзарблиги белгиланади.

Шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланган 2019-2029 йилларда мамлакат атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича "Йул харитаси"да ядро хавфсизлиги соҳасидаги халқаро конвенцияларга қушилиш, бу борадаги қоидаларни Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш, шунингдек, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасидаги меъёрлар ва қоидаларни қабул қилиш қаби қатор белгиланган устувор вазифалар мазмун-моҳияти очиб берилгани муҳим аҳамият қасб этади.

ЎЗА

ХИЗМАТГА ШАЙ ХАЛОСКОРЛАР!



НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

"Камчик" Махсус кидирув-кут-карув бошкармаси ходимлари ва Автомобиль йўлларини лойihalаш, куриш ва эксплуатацияси институту фан докторлари, профессор-ўқитувчилари ўртасида А-373 "Тошкент-Уш" автомобиль йўлининг "Камчик" доводидан ўтган қисмида содир бўлиши мумкин бўлган фавкулодда вазиятларнинг олдини олиш, ушбу йўналишда ил-

мий-тадқиқот амалиётларини хаётга татбиқ этиш масалаларига ба-Гишланган учрашув бўлиб ўтди.

Унда бошкарма бошлиғи полковник Х.Бобонов сўз олиб, А-373 "Тошкент-Уш" автомобиль йўли муҳим стратегик аҳамиятга эга эканлиги, шунинг учун довод йўлида харакатланувчи фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлашда институт билан ҳамкорлик максадга

мувофиқлигини айтиб ўтди.

Учрашувда автотранспорт воситалари хайдовчиларида "Камчик" доводидан ўтишда техник малакаларнинг етишмаслиги, бу эса техник носозлик, турли йўл-транспорти ходисаларини юзага келтираётганлиги айтиб ўтилди.

Ўз ўрнида, бу масалада институт фан докторлари ва профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий изланишлар олиб борилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Шунга қўра, бошкарма масъул ходимлари ва институт малакали прсф ессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида комплекс чора-тадбирлар белгилаб олинди ва автомобиль йўлининг техник тавсифини ўрганиш бўйича ҳамкорликдаги режалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, айтилган ҳамкорлик доирасида институтнинг махсус асбоб-ускуналар билан жихозланган кўчма лаборатория мажмуасини "Камчик" доводига олиб келган ҳолда ўрганишга келишиб олинди. Бунинг натижасида йўл-транспорт ходисаларининг камайиши ҳамда йўловчиларимизнинг беҳатар харакатланишини таъминлаш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Оддий аскар А.ЦУДРАТОВ,
"Камчик" МККБ ходими

УЧРАШУВ

Андижон вилояти ФВБда вилоят Касаба уюшмаси кўмитаси бош му-тахассиси Гулнора Абдуллаева ва Андижон шаҳар Касаба уюшмаси кенгаши раиси Севара Хошимовалар билан учрашув ўтказилди.

Унда хизматчи ва кутқарувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, бошкарма раҳбарияти билан ишчи-хизматчилар ўртасида жамоа шартномасини тузиш, меҳнат кодекси ва қонунчиликда ўрнатилган талаблар доирасида жамоа шартномасини тузиш масалалари бўйича сўз юритилди.

Мутахассислар шаҳар ва туманларнинг мулкчилик шаклидан катъи назар, барча ташкилотларда жамоа шартномасини қонунчилик талаблари асосида тузиш, уларнинг фаолиятини доимий равишда Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан назорат қилиш, юридик ёрдамлар кўрсатиб турилиши лозимлиги ҳақида гапирдилар. Касаба уюшмасининг асосий вазифаси - иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат фаолияти бўйича юзага келган зиддият ва бошқа қарама-қаршиликларни қонун доирасида кўриб чиқиш йўли билан ҳал қилиш эканлиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

И.КАМРАБОЕВ, Ш. МАХМУДОВ,
Андижон вилояти ФВБ ходимлари



ЎҚУВ ДАСТУРИ БҲЙИЧА

ФарФОНа вилояти ФВБ Аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан жорий йилнинг 15 январидан 8 февраль кунига қадар ФарФОНа, МарФилон, Кувасой шаҳарлари, Бешарик, Олтиарик, Ўзбекистон, ДанФара туманларидаги барча умумтаълим мак-

табларининг "Хаёт хавфсизлиги асослари" ўқитувчилари 24 соатли дастур асосида фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарликдан ўтказилди.

Дастур асосида тингловчиларга аҳоли ва ҳудудларни фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари, Фавкулодда ва-

зиятларда уларнинг олдини олиш ва харакат қилиш Давлат тизими, аҳоли ва ҳудудларни табиий хусусиятли фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этиш, аҳоли ва ҳудудларни техноген хусусиятли фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкиллаштириш, аҳоли ва ҳудудларни экологик хусусиятли фавкулодда вазиятлардан муҳофаза қилишни ташкил этиш ва

яна қатор мавзуларда назарий ва амалий маърузалар ўтилди. Маштлотлар давомида мавзуларга оид кўргазмаларни куроллардан фойдаланилди ҳамда видеороликлар намойиш этилди. Ўқув маштлотининг якунида тингловчилардан тест олинди, билим ва қўникмалар мустаҳкамланди. 24 соатлик ўқув дастурини яқунланганлиги учун ҳар бир тингловчига гувоҳномалар тарқатилди.

З.САИДОВА,
ФарФОНа вилояти ФВБ ходими

ЁНГИН — ТИРИКЛИККА ЗОМИН

ЁнГин нима ва у қандай содир бўлади?

Ёнтин деб махсус ёкилмаган, назорат қилиб бўлмайдиган, қатта моддий зарар келтирадиган ва энг ачинарлиси, инсонларнинг турли даражада тан жароҳати олишларига, хаётдан бевақт кўз юмишларига сабаб бўладиган ёниш жараёнига айтилади. Демак, ёнтин бу - олов. Олов иссиқлик ва ёрутлик манбаи. Агар сиз оловдан қундалиқ ишларда тўтри фойдалана олсангиз, у инсоннинг беминнат ёрдамчисига айланади, яъни биз таом тайёрлашда, ўйимизни иситишда, қўл билан эгиб, синдириб бўлмайдиган нарсаларни кесишда ва пайвандлашда оловдан фойдаланамиз. Биз оловнинг инсонга ёрдами ҳақида гапирар эканмиз, қадимги аждодларимизнинг оловдан фойдаланишдаги тажрибалари ҳақида ҳам гапириб ўтишимиз лозим. Улар ёнтин хавфсизлигининг ҳозирги биз билган қоидаларини билмасалар-да, оловга нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишган.

Хўш, ёнтинлар қаерларда содир бўлади?

Ёнтин ҳамма жойда: қорхоналарда, ташкилотларда, мактабларда, болалар ботчаларида, турар жой би-ноларида, қўйингки, одамлар тўпланадиган жойларда ва х.к.ларда содир бўлиши мумкин.

Ёнтинларни қелтириб чиқарадиган сабаблар нималардан иборат?

Аввал бунга сабаб ўзимизнинг

эҳтиётсизлигимиз, бепарволигимиздир. Булар, энг аввало, ёш болаларни қаровсиз қолдириш, уларнинг гўгурт, ўчқун чиқарувчи воситаларни ўйнашларига йўл қўйиб бериш, қатталарни, айникса, аёлларнинг ошхона ишларини бажаришда, жумладан, таом тайёрлаш учун ёт-мой киздиришда ёки бўлмасе, қир ювиб, уни қуриштиш учун газ-оловдан фойдаланиш, қийимларни дазмоллашда эътиборсизлик, ўйдаги электр симларини ўзбошимчалик билан билиб-билмасдан улаш, сигарета чекиб, уни тез алангаланувчи жисмлар ёни-да ўчирмасдан қолдириш, юқорида айтиб ўтганимиздек, ёнтинларни қелтириб чиқарувчи энг оддий сабаблар ҳисобланади.

Содир бўлаётган мураккаб ёнтинлар эса қўллаб бегуноҳ инсонларнинг хаётдан бевақт кўз юмишларига сабаб бўлмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда содир бўлаётган ва қатта хажмда талафот келтираётган ёнтинларни таҳлил қилиш ва ўрганиш баробарида бизнинг мамлакатимизда ёнтин хавфсизлигини таъминлаш ишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Яъни барча қорхона, ташкилотлар, мулкчилик шаклидан катъи назар қичик ва қўшма қорхоналар биноларини лойihalаштиришда ва уларни қуришда ёнтин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши шарт деб белгилаб қўйилган.

И.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ходими

НАВОИЙГА Э*ТИРОМ

Навоий вилояти ФВБ ходимлари томонидан Навоий шаҳрида буюқ му-тафаккир, шоир Алишер Навоий таваллудининг 578 йилиги муносабати билан вилоят ва туман, шаҳар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошкармалар, ташкилот, муассасалар, қўшма ва хусусий қорхоналар иштирокида шоир хайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Тадбирга вилоят бўйича 5600 нафар ишчи-ходимлар жалб этилди.

Подполковник Зафаржон КУДРАТОВ, Навоий вилояти ФВБ ходими



Наманган вилояти Поп туманидаги 46-умумтаълим мактабида ҳам сўз мулкнинг султони, ўзбек адабий тилининг асосчиси Мир Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллигига бадишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни мактаб директори Д.Икрамов қириш сўзи билан очиб, улут бобоқалонимизнинг халқимиз маънавияти, тарихи ва ижтимоий хаётида тутган юксак мақоми ҳақида гапирди. Шундан сўнг адабий кечага навбат берилди. Уни она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси С.Холдарова тайёрлаган бўлиб, кечада улут шоир хаёти ҳақида хикоя қилинди, тазал ва хикматларидан намуналар ўқилди.

Истеъдодли ўқувчилар ижросидаги сахна кўринишлари эса томошабинларда ўзига хос қизиқиш уйтотди. Унда 9-синф ўқувчиси Л.Ўзибоев ҳазрат Алишер Навоийнинг сиймосини яратди. Шунингдек, тадбирда 7-синф ўқувчиси М.Юлибоева, 9-синф ўқувчиси Х.Абдусалимовалар ҳам фаол қатнашиб, иштирокчиларнинг олқишларига сазовор бўлдилар.

Тадбир барчада қатта таассурот қолдирди.

Гулноза НЕЪМАТУЛЛАЕВА, директор ўринбосари

14 февраль — Захириддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кун

«Бобурнома»ни синчиклаб мутолаа этарканмиз, бу темурийзодининг ёшлигидан бобоси Амир Темур давлатини кайта тиклашда, кенг микёсдаги худудда ягона, мустахкам сиёсатни юргизишга интилишида, орзуларини маълум даражада рўёбга чиқаришда нима-ларга асослангани *ак;ида ўйладик. Биз бу ечимни Бобурнинг изчил шахсий жасорати, ўткир тафаккури,

кам маълумотга эгалиги, душманни босиш, янчиш ўрнига иккиламчи ишларга берилишганини ёзади. У Хусайн Бойкаронинг икки ойлик харакати маккор Хисравшохнинг оддий хийласи — Хусайн аскарлари жойлашган кўр^он, уйларга калъа тешигидан тутун киритиб, уларнинг устидан осонгина голиб келганини афсус билан ёзади: «Алар тўшукни беркитган била тутун юккори

эришиш учун ракибдан аскар сонига кўра устун бўлиш шарт эмас. Зотан, Хисравшохнинг мухораба тажрибаси устунлик килган. Хусайн Бойкаронинг душман кучи, уруш мавкеи, вақтини («бахор ёгинлари жихатидин...») аник инobatга олмагани уни маглубиятга олиб келган.



БОБУРНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ

харбий маҳоратида курдик.

Тахлилимизни 1495—1496 йиллар воқеалари — Бобур 13 ёшида Хуросон, хусусан, Хисорда қандай ҳолат ҳукмрон бўлганидан бошлаймиз. Бу даврда темурий шахзодалар ва беқлар юрт олишга ошиққан. Султон Хусайн Бойкаро тасарруфиди Хисорда Султон Махмуд мирзо -нинг беки Хисравшох бош кўтариб, Бойкаро билан урушиб, икки марта унинг устидан голиб келади. Бобур бу ҳолатга шундай баҳо беради: «Хисравшохнинг мунча улгаймоғига ва мунча ҳадди етмас ишларни қилмоғига Султон Хусайн мирзонинг икки катла келиб ола олмай ёнмоғи сабаб бўлди».

Бобур Хусайн Бойкаро ва унинг ўғли Бадиуззамоннинг Хисравшох, укаси Вали ҳамда тарафдорларига қарши мухорабасини чуқур таҳлил этади. Хусайн Бойкаро ва лашкарларининг мухораба сирларидан огоҳ эмасликлари, аввало, ганим хақида

кўргон элига ўқ ёниб, кўр^он эли ўлум ичи бўлиб, кочиб чиқтилар».

«Бобурнома»да Хусайн Бойкаронинг ўткир саркарда, қиличбозликда беназирлиги эътироф этилса-да, ракиб билан мухорабада ҳужумдан кўра мудофаага кўпроқ эътибор бериши танқид қилинган. Юқоридаги ҳолатда ҳам Хусайн йигитлари тутундан диққинафас бўлган лашкарни кўриб, ҳужумга ўтишга рухсат сўраганда у кеч бўлгани, қоронгу тушаётганлигини сабаб билиб, рухсат бермайди. Бобур Султоннинг бу амрини мазкур мухорабадаги қаттиқ янглишиш сифатида баҳолайди: «баъзи йигитлар тезлик қилиб урушга рухсат тиладилар. «Кечадур» деб Мирзо рухсат бермади».

Бобур уруш манзараларини тасвирларкан, галаба ва маглубиятни харбий куч, аскар ва зобитлар сони, харбий восита, қуроқлар кучи ва ўлчови билан белгилайди, киёслайди, солиштиради. Унингча, галабага

Энг ачинарли томони, бу мухорабада Хусайн лашкари сон жихатидан устун бўлган («Булар мунча мирзолар ва мунча сардор беқлар, бовужудким кишилари икки Хисравшохнинг кишисича бўлмаса, бир ярим ончада, худ не сўз...»). Яна ачинарлиси, Хусайн тарафдорларининг галабага ишончсизлиги, урушишга жазмлари йўқлиги уларни икки ой қавлаган хандақларидан ташқари чикмай ёв билан олишишларига монелик қилган («...жазм риояти қ;илиб, хандақ;дин чик;мадилар»).

Бобур темурийлар салтанатида ташқаридан бўладиган таҳдид ва ҳужумларни биргалашиб бартараф этишга ўта жиддий ёндашган.

Таникли рус шарқшуноси Н.В.Селовскийнинг хайратли ибораси билан айтганда, «Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган: унинг бутун хаёти жасорат намуналари билан

тўлиб-тошиб ётибди».

Инглиз тарихчиси Эдуард Холден, аввало, Бобурни машҳур Юлий Цезар билан киёслашни лозим топади: «Бобур феъл-атвориға кўра, Цезарға қараганда севишға арзигулиқдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қуйилган».

Захириддин Мухаммад Бобурнинг харбий ва саркардалиқ салоҳиятига оид айрим маълумотлар қайд этилди, холос. Бобокалонимизнинг харбий соҳадаги беназир салоҳияти келгусида кўплаб тадқиқотлар, илмий ва бадиий асарлар учун мавзу бўлиши шубҳасиз.

Феруза МУХИТДИНОВА,
юридик фанлар доктори,
ТДЮУ профессори

МАРДЛИК ВА САДОКАТ САБОКЛАРИ

Навоий асарларидаги гоғлар, ўз даврида илгари сурилган ва амалга оширилган тадбирлар мазмун ва моҳиятини бугунги кунда ёш авлод тарбияси билан боғлиқ тадбирларда кенг қўллашимиз зарур. Шу ўринда, ёшларни харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари асосан турт босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич (3-7 ёшдагилар) атрофдаги олам, Ватан хақида дастлабки тасаввурлар пайдо бўладиган босқич ҳисобланиб, унда оила ва мактабга таълим муассасаларида болаларга турли шеърлар, қуй ва қушиқлар ўргатиш, мультфильм ва турли ўйинлар намойиш этиш, расмлар қизиш орқали дунёни англаш, давлат рамзлари (байроқ, герб, мадҳия) билан танишиш асосида уларда она юртга муҳаббатни шакллантиришни ўз ичига олади.

Иккинчи босқичда (7-16 ёшдаги болалар) ўқувчиларнинг Ватанга муҳаббати ва садокатини мустаҳкамлаш, харбий хизматга ва она юрт олдидаги фарзандлик бурчини юксак масъулият билан бажаришга бўлган ҳавасини ошириш, уларда Қуроқли Қучларимизга бўлган ижобий фикрларни янада қучайтириш, ёшларнинг жисмонан соғлом, қучли ва иродали, маънавий етук, кенг дунёқарашли, мустақил фикр юритадиган барқамол инсон сифатида шакллантириш каби эзгу ишларга даъват этилади.

Учинчи босқич (16-18 ёшдаги ўсмирлар) ёшларда Ватанга ва унинг химояси учун муносиб хизмат қилишга руҳан ва жисмонан тайёрликни таъминлашга йўналтирилади.

Тўртинчи босқич (18-30 ёшдагилар) ёшларнинг жисмоний ва маънавий қобилияти, етакчилик қўникмалари ва интеллектуал салоҳияти, умумий ва профессионал малақасини ошириш, уларни ўз устида мунтазам ишлаш, соғлом хаёт кечирishга ундаш ва шунга эришишни назарда тутати.

Ёшларни харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юртимиздаги барча мактабларда таълимнинг турли хил шакл ва усуллари ёрдамида олиб борилмоқда. Жумладан, маъруза ўқиш, савол-жавоб кечалари, яққа ва жамоавий суҳбатлар, бой хаётий тажрибага эга бўлган харбий хизматчи ва фахрийлар, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва

танловларда голиб бўлган шахслар билан учрашувлар, илмий-назарий ва амалий конференциялар, семинар-тренинглари, муайян мавзуга бағишланган кечалар, баҳс-мунозаралар, викториналар, давра суҳбатлари, тўпланган илгор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, жамоатчилик фикри ва харбий жамоалардаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганиш, телекурсатув ва радиоэшиттиришлар, фильм ва мультфильмлар, бадиий ва мусикий асарлар, аскар қўшиқлари, оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар ва электрон ўйинлар, бошқа техник воситалардан фойдаланиш, уруш ва меҳнат фахрийлари, жанговар харакатлар иштирокчилари, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш ҳамда харбий хизматга қақирлувчилар қуни, мардлик сабоқларини ўтқизиш ва экскурсиялар уюштириш қўринишида намойён бўлмоқда.

Мамлакатимизда Қуроқли Қучлар соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва жамиятда харбийлик касбига хурмат ва эътиборни янада қучайтириш мақсадида «Маънавият соатлари»ни вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларда тизимли ташкил этиш, мактабга таълим муассасалари тарбияланувчиларини мард ва паҳлавон йигит бўлишга нисбатан орзу-ҳавасларини оширишга ва она-юртга содиқ фарзанд бўлиш тўйгуларини шакллантиришга қ;аратилган «ЖК алоқидин ба^одирлари» номли спорт ўйинларини ташкил этиб бориш, умумтаълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари иштирокида «Темурбеклар» ва «Бургутлар» харбий спорт ўйинларини ташкил этиш, ўқувчи-ёшларни хар йили жойлардаги харбий қисмлар, олий харбий таълим муассасалари ва Темурбеклар мактабларига экскурсияларини мунтазам ташкил этиб бориш режасини ишлаб чиқиш, умумтаълим ва касб-хунар таълими муассасаларида харбий тайёргарлик синф хоналарини ташкил этиш, муассасалар спорт залларида жисмоний тайёргарлик бўйича амалий машғулотлар ўтқизиш учун зарур шароитлар ҳамда тўсиқли йўлақлардан иборат спорт майдончаларини ташкил этиш, умумтаълим муас-

сасаларининг 10- ва 11-синф ўқувчилари учун қақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ҳамда фан раҳбари ва ўқитувчилар штат бирликларини киритиш. Республикаимизнинг барча туманлари ва чегараолди худудларида, истироҳат боғларида аҳоли, айниқса, ёшлар учун харбий-ватанпарварлик йўналишида қўшиқлар ва харбий оркестр мусикаларининг, шунингдек, қишлоқ, туман ва вилоят қўчалари бўйлаб харбий бўлинмаларнинг харбий оркестр жамоаси билан саф қўшиқларини мунтазам ижро этиб ўтишларини йўлга қўйиш, бой хаётий тажрибага эга бўлган харбий хизматчилар ва Қуроқли Қучлар фахрийлари, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларида, турли мусобақа ва танловларда голиблиқни қўлга қиритган харбий хизматчилар ҳамда уруш қатнашчилари, бошқа жанговар харакатлар қатнашчилари иштирокида маҳалларда аҳоли ва ёшлар билан режалар равишда учрашувлар ва давра суҳбатларини уюштириб бориш, Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хар йили Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ва унинг минтақавий бўлинмалари аъзолари, фан, маданият ва санъат арбоблари, спорт вакиллари иштирокида қақирувга қадар ёшлар билан «Харбий хизматга қақирлувчилар қуни» мавзуда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, худудларда тарихий ва қўшин турига оид қуроқ-яроғ ва аслаҳалар, харбий техника қўрғазмалари, тир ва турли харбийлаштирилган аттракционлар жойлашган харбий-ватанпарварлик истироҳат боғларини ташкил қилиш ва фаолиятини такомиллаштириб бориш, харбий қисмларда ўтқизиладиган жанговар тайёргарлик машғулотларига соҳибқирон Амир Темур, Жалоқидин Манғуберди, Захириддин Мухаммад Бобур каби буюқ саркардаларнинг харбий салоҳияти ва жанг қилиш санъати хақида мавзулар қиритиш, ўсиб келаётган ёш авлодда мардлик, жасурлик ва ватанпарварлик тўйгуларини шакллантиришга қаратилган бадиий, ҳужжатли, хроникали фильмлар, мультфильмлар, шунингдек, турли электрон ўйинлар ишлаб чиқилишини ички дастур ва режаларга қиритиш ва хоқазо.

Ў.ДАВЛЕТОВ,
Миллий гвардия Харбий-техник
институтини ўқитувчи-методисти

ЎҚУВ МАШҚЛАРИ — 1 АЁТ ДАВОЛАРИ

* * *

А-373 "Тошкент-Ўш" автомобиль йўлининг "Камчих" довони худудидан ўтувчи хисмида амалий-ўхув машхи ўтказилди. Ўхув машхида кўчки натижасида хор остида ҳолган йўловчиларни хидириб топиш ва хавфсиз худудларга эвакуация хилиш тадбирларини ташкил хилиш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш билан БОФлих амалий харакатлар бажарилди.

Шартли вазиятга кўра, довоннинг 145 км.да йўлнинг сирпанчихлиги

сабабли, йўл-транспорт ходисаси содир бўлиб, "MAZ" русумли автосамосвал йўлдан чиhib, хандахха тушиб кетган. Кутхарув отряди томонидан автокран ёрдамида автосамосвал хандақдан чихарилиб, эвакуатор ёрдамида хавфсиз ерга олиб кетилди.

Бундан ташхари, хутхарувчиларнинг тоҒ тайёргарлиги бўйича ма-лакалари ҳам синовдан ўтказилди. Улар тоҒли худудда харакатланиш, хидирув-хутхарув ишларини тўғри ва аних бажариш ишларини кўрса-



тиб беришди.

- Рухан кучли инсон жисмонан ҳам етук бўла олади, - дейди бошхарма Авария-хутхарув отряди командири майор Шерзод Абдуллаев. - Чунки жисмоний хийнчиликларга бардош бериш ва уни энгиб ўтишда айнан рухий чидамлилик муҳим роль уйнайди.

- Кутхарувчилик — бу маъсулиятли ва шарафли касбдир. Бошхарма Кутхарув отрядининг хар бир эришган муваффахиятида хар бир хутхарувчининг ўз ўрни бор, - дейди полковник Хасан Бобонов.

Дархахихат, бунда жипслик, уюшхохлик, якка ва жамоавий тартибда изчил харакатланиш муҳим ахамиятга эга. Буни яхши англаб етган хутхарувчиларимиз хўйилган устувор вазифаларни юксак савияда адо этишиб, яна бир амалий машғулотга якун ясадилар.

Ўтказилган ўхув машхида жами 45 нафар хутхарувчи ва 10 та махсус-техника воситалари иштирок этди.

Оддий аскар А.ЎДРАТОВ,
"Ўамчиц" МЦБ ходими



* * *

Навоий вилояти ФВБ Аҳолини ва рахбарлар таркибини тайёрлаш марказида шахар, туман Халх таълими бўлимларига харашли умумтаълим мактабларининг директорлари билан 36 соатлик дастур асосида 5 кунлик ўхув машғулотлари ўтказилди.

Машғулотларда тингловчиларга асосан марказ ходимлари томонидан "Фухаро мухофазаси бўйича хонунчилик ва хонунности хужжатлари талаблари ва ташкилий асослари", "Фавхулудда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва харакат хилиш Давлат тизими", "Аҳоли ва худудларни табиий, техноген, экологик хусусиятли фавхулудда вазиятлардан мухофаза хилиш", "Аҳоли ва худудларни фавхулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича харакатлар режасини ишлаб чихиш", "Аҳоли, ФВДТ кучларини фавхулудда вазиятларда харакат хилишга тайёрлашни ташкил этиш", "Фавхулудда вазиятлар хавфи туғилганда ва содир бўлганда аҳолини кўчириш тадбирларини ташкиллаштириш", "Аҳолини фавхулудда вазиятларда харакат хилишга психологик тайёрлаш", шунингдек, "фавхулудда вазиятларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш" мавзуларида батафсил тушунча ва маълумотлар берилди.

Бундан ташхари, тингловчилар Навоий шахридаги 8-умумтаълим мактабида бўлиб, уларга намунали ташкил хилинган "Ёш хутхарувчи" клублари, уларни ташкил этиш, фаолияти, фухаро мухофазаси бўйича бажарилиши лозим бўлган намунавий хужжатлар кўрсатиб берилди.

Ўтказилган мавзулар бўйича тингловчилардан тест синовлари олиниб, уларга гувоҳномалар топширилди.

Уулкар ЦАМРОЕВА,
Навоий вилояти ФВБ ходими

* * *

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг алохида ташкилий кўрсатмаси асосида Миллий гвардия, Фавхулудда вазиятлар вазирлиги ва бошха алохадор идора ҳамда ташкилотлар ўзаро хамкорликда Коровулбозортуманихудудида жойлашган "Муборакнефтгаз" МЧЖга харашли "Жанубий-кемачи" ГКТБ тоифаланган объект худудига ноҳунуний кирган хуролланган жиноятчиларни зарарсизлантириш, хўлга олиш, улар томонидан гаровга олинган фухароларни озод хилиш ҳамда табиий, техноген ва экологик фавхулудда вазиятлар юз берганда олдини олиш ва охибатларини бартараф этиш харакатларига багишланган хамкорликдаги кўргазмали хўмондонлик-штаб ва махсус-тактик машғулотлари ўтказилди.

Машғулотлар давомида ички ишлар органларининг доимий жойлашув пунктларининг хўрихланиши ва мудофаасини ташкил хилиш, фавхулудда холатларда тинч аҳолини хавфсиз худудга эвакуация хилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хавфли хуролланган жиноятчиларни хўлга олиш ҳамда содир бўлган ёнФинларни



бартараф этиш бўйича тадбирлар амалга оширилди.

Ушбу маиҳулотларда Ички ишлар, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавхулудда вазиятлар бошхармалари ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар тузилмаларининг куч ва воситалари фаол иштирок этдилар.

Айтиш жоизки, ушбу хўмондонлик-штаб ва махсус-тактик машғулларининг мунтазам равишда вилоят худудида утказилиб келиниши шахсий таркибнинг фавхулудда вазиятларда хухухни мухофаза хилувчи идоралар билан хамкорликда тўғри, аних, тезкор харакатланишга доир малакасини оширади. Амалий-тактик ўхув машғулотлари ички ишлар органларининг халхимиз осойишталиги ва хонун устуворлигини таъминлаш, хухухбузарлик ва жиноятчиликка харши курашиш самарадорлигини оширишда муҳим ахамият касб этади.

Кўмондонлик-штаб ва махсус-тактик ўхув машғулотлари якунида тузилмалар рахбарлари ўзаро фикр алмашдилар. Унда хамкорликдаги харакатларнинг ютух ва камчиликлари тахлил этилди.

Лейтенант Улугбек БЕГЛИЕВ,
Бухоро вилояти ИИБ катта инспектори

ЗАХАРЛАНГАНДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Ис газидан энгил даражада захарланганда (агар беморда бош айланиши ёки бош огриги холати кузатилса), жабрлангани тоза хавога чихариш зарур. Жабрланган ўз холатида хайтмагунича ундаги хар хандай ўзгаришни кузатиш шарт. Ис тағизидан ўткир захарланганда уни госпитализация хилиш ва зудлик билан тез ёрдам чахириш шарт. Чунки, биринчидан, юрак бехосдан тўхташи ёки тутханох ёки шол холатлари юзага келиши ҳамда нафаси хайтиб, хаво етишмовчилигидан халок бўлиши мумкин. Иккинчидан, ис газидан захарланиш турли нохуш холатларни юзага келтиради. Масалан, бош мия, нафас олиш органлари ҳамда юрак-хон айланиш тизими мининг ўткир зарарланиши. Шунинг учун ҳам ўз вахтида ва тўғри кўрсатилган тез ёрдам инсон хаётини хутхариб холиши мумкин. Тез ёрдам етиб келгунига хадар хуйдагиларни бажариш керак:

- жабрланганнинг тана харорати пасайиб, титрай бошласа, унинг устини халинрох нарса билан ёпинг ва ширин чой ичиринг (агар бемор хушида бўлса);

- жабрлангани тоза хавога чихаринг (очих дераза ёки эшик ёнига);

- жабрланган хўрхув ёки хавотир холатида бўлса, уни тинчлантиринг;

- жабрланган хушидан кетган бўлса, уни ёнбошга ўгиринг ва бошини орхага кетишига йўл хўйманг (айнихса, жабрланган хайт хилишни бошлаган бўлса);

- жабрланганнинг нафас олиши тўхтаб холган бўлса, сунъий нафас беринг, юрак уриши тўхтаган бўлса, юрак массажини бажаринг.

С.САИДУРАДОВА,
Сурхондарё вилояти ФВБ ходими

АЙДАРКУЛДА ҲАШАР

Айдар-Арнасой кўллар тизими 1969 йилда Сирдарё дарёсининг тоштини ҳамда Козогистон Республикасида жойлашган "Чордара" сув омборидан ортиқча сувларнинг чихариб юборилиши, Арнасой, Айдаркул ва Тузкон кўллари билан бириктириш натижасида ташкил топган.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг умумий узунлиги 350 километрни, эни ўртача 45 километрни ҳамда энг чуқур жойи 45 метрни ташкил этиб, 3700 квадрат километр майдонга эга.

Кўллар тизими Ўзбекистоннинг Навоий ва Жиззах вилоятлари ҳудудла-



рида жойлашган бўлиб, жанубий-Ғарбий томони Козогистон Республикаси билан чегарадош.

Мазкур кўллар тизимда балиқларнинг 22 тури ва унинг сохилларида 220 тур хуш ҳамда 7 турдаги судралиб юривчилар яшайди.

Кўллар тизимида биохилма-хиллиликни асраш, хайвонот ва ҳушлар дунёсини сақлаш, экотуризм соҳасини ривожлантириш учун ҳулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида, Навоий вилояти прокуратураси, вилоят Фавхуллода вазиятлар бошқармаси ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда экологик ҳашар ўтказилди.

Вилоят ФВБ ва туман ташкилотлари билан ҳамкорликда "Айдаркул" кўли ХирҒОхлари йиллар давомида туғланиб холган чихиндилардан тозаланди.

Шунингдек, ҳашар иштирокчиларининг саъй-ҳаракати билан Нурота туманининг "Темирховуҳ" маҳалласига ҳарашли "Чуқур ҳудуҳ", "Қузибой" ҳамда "Пойга" хишлоҳлари ҳудудларида ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

**Подполковник М.БАЦРОНОВ, капитан Р.РАЦМАТОВ,
Навоий вилояти ФВБ ходимлари**

Мустахиллик йилларида мамлакатимизда ҳуҳуҳий демократик давлат, кучли фухаролик жамияти ҳуриш, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган ихтисодиётни ривожлантириш, ҳалх осойишталиги, аҳолининг фаровон ҳаёт кеҳири-

ли, мамлакатимиз саноати ва ишлаб чихариш соҳалари кенгайиб бормоҳда. Кичик ишлаб чихариш ва саноат корхоналарининг ортиб бориши, кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган техника турларининг кўпайиб бориши билан бирга, ёнҒинлар сонининг ҳам ортганини

ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

ши учун шарт-шароитлар яратишга юксак эътибор ҳаратилди. Натижада мамлакатимиз барҳарор ривожланиш йўлидан изчил илгарилаб бормоҳда.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан кенг имкониятлар яратилиб берилаётганлиги сабаб-

кузатишимиз мумкин.

Бу эса ўз навбатида ёнҒин хавфсизлиги ходимларига янада кўпроҳ масъулият юклаш билан бирга, тарғибот тадбирларини янада кўпайтириш зарурлигини билдиради. Соҳа ходимлари ушбу масъулиятни хис ҳилиб, эл-юрт осойишталигини сақлаш мақсадида куқсини ҳалхон



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁнҒин хавфсизлиги институтида «Аҳоли турар жойларида ёнҒинлар профилактикаси ва фухароларнинг ис газидан захарланишининг олдини олиш» бўйича «Очих эшиқлар куни» ўтказилди.

Тадбирда Саноат хавфсизлиги давлат ҳўмитаси, Маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўй-

лиш ҳоллари кўплаб учраётганлигини, бундан салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида институт профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантлари ҳонадонларга бориб, тарҒибот ишларини олиб бораётганликлари, «Аҳоли ҳонадонларида иситиш тизими ва ёнҒин маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига

ОЧИК ЭШИҚЛАР КУНИ

ича республика кенгаши, Сергели тумани газ идораси, туман электр тармоҳлари корҳонаси, КўнҒилли ёнҒиндан сақлаш жамияти мутасадди ходимлари ҳамда МФЙ фаоллари, политехника, молия ва ихтисодиёт, туризм ва маиший ҳизмат курсатиш касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, институт профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар.

Тадбирни институт бошлиғи, полковник Н.Нарматов очиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 июлдаги «Республика ихтисодиёти тармоҳлари ва ижтимоий соҳа объекларини 2018-2019 йил ҳуҳиш даврида барҳарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-3849-сон ҳарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги «Аҳоли ҳонадонларида иситиш тизими ва ёнҒин маҳсулотларидан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоҳа этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 901-сонли ҳарори ҳамда

риоҳа этилишини таъминлаш, унинг охибатлари бўйича маъруза ҳамда ёнҒин хавфсизлиги ҳоидалари, ис газидан захарланишининг олдини олиш бўйича рисоалар, услубий ҳўлланмалар, эслатма, буклетлар тайёрланаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Саноат хавфсизлиги давлат ҳўмитаси, Маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика Кенгаши, Сергели туман газ идораси, электр тармоҳлари корҳонаси, мутасадди ходимларининг ҳам маърузалари тингланди.

Шундан сўнҒ курсантлар томонидан ёнҒин ўчириш техникаларининг тактик-техник имкониятлари, аҳоли яшаш уйлари ва масканларида содир бўлган ёнҒинларни бартараф этишда ёнҒин ўчирувчилар томонидан нафас олишга яроҳсиз муҳитда фойдаланиладиган аппаратларнинг ҳусусиятлари бўйича кўргазмали намойиш ўтказилди.

Институт ҳудудида жойлашган руҳий тайёргарлик йўлакчасида мавжуд



Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг 2018 йил 2 ноябрь кунидаги топшириҒи ижросини таъминлашга оид чора-тадбирларга тўхталиб ўтди.

Киш мавсумида табиий газга бўлган эҳтиёж ҳар ҳачонгидан ҳам юҳори бўлишини, шундай пайтларда барчамиз табиий газдан хавфсиз ва охилона фойдаланишимиз ҳамда газ босимининг ортиши ва тушиш эҳтимоллигини ҳисобга олиб иш кўришимиз мақсадга мувофиқлигини, охирги пайтларда республикада ис газидан бОҒлиҳ бўлган захарланиш ва нобуд бў-

снарядлардан ўтиш, уҳув минорасининг 4-ҳаватидан ўз-ўзини ҳутҳариш ҳамда ишҒОл хилиш нарвони билан 4-ҳаватга кўтарилиш, ёнҒин ўчириш амалий спорти бўйича жанговар ёйилиш, ҳўл жанги машҳлари намойиш этилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари билан ёнҒин хавфсизлиги ҳоидалари, саф меъёрлари, бирламчи ёнҒин ўчириш воситаларидан фойдаланиш бўйича виқторина ўтказилди.

**Ф.ХОЖАЕВ, Х.МАҒАМАДИЕВ,
ИИБ ЁнҒин хавфсизлиги
инститuti ходимлари**

хилиб, туну кун фидокорона ҳизмат хилмоҳдалар.

Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги "Ички ишлар органлари ёнҒин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳарорига мувофиқлаштириш чоршанбаси — "ЁнҒинлар профилактикаси куни" этиб белгиланди.

"ЁнҒинлар профилактикаси куни" муносабати билан ЁнҒин хавфсизлиги институтида таҳсил олаётган курсантлар ҳафтанинҒ ҳар чоршанбаси профилактика тадбирларни Давлат ёнҒин хавфсизлиги ҳизмати ходимлари билан биргалиқда Тошкент шаҳрида аҳоли яшаш жойларида, таълим муассасаларида, ши-фоҳоналарда ва ишлаб чихариш

корхоналарида ўтказмоҳдалар.

Тадбир ҳатнашчиларига ёнҒин хавфсизлиги ҳоидаларига амал хилиш, иситиш печлари ва электр жиҳозларидан тўғри фойдаланиш ҳамда ёнҒин содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш ҳоидаларини турли амалий машғулотлар билан ўргатиб келмоҳдалар. ЁнҒинларнинг келиб чихиши ва омиллари билан боглиҳ муаммолар юзасидан фухароларга, шунингдек, корҳона ва ташкилот раҳбарларига тегишли йўриҳномалар ва кўрсатмалар берилмоҳда.

**Лейтенант Ф.АФИЗОВ,
ИИБ ЁнҒин ўқитувчиси;
С.УРАЗИМБЕТОВ,
ЁнҒин 3-босқич курсанти**

ГЕМОГРАФИК ИСИТМА

Ўткир юкумли касаллик бўлиб, уни вируслар юзага келтиради. Вируслар майда кон-томирлар капиллярларини шикастлайди, окибатда хужайра, тўкима ва тана аъзоларида кон айланиш жараёни, уларнинг озикланиши ҳамда кислород билан таъминланиши ишдан чиқади. Тана аъзолари, айникса, ҳаётий муҳим аъзолар фаолитининг бузилиши эса, инсон ҳаётини хавф остига қўяди. Вируснинг асосий манбаи каналар хисобланади, улар вирусларни бутун умри давомида ташияди. Вояга етган каналарнинг асосий хўжайинлари турли хил кишлоқ хўжалик хайвонлари бўлса, ёш личинка давридаги хўжайинлари сичкон, каламуш, юмронкозик, типратикон, куён ва бошқалар хисобланади. Кўй, эчки, сизир, каламуш, сичкон, куён каби иссиқ конли хайвонлар касалликнинг таббий ўчоги хисобланади.

Касаллик қандай юқади? Касаллик каналар чақиши ва уларни кўл билан эзиб ўлдиретиш орқали юқади. Каналар хайвонларда паразитлик қилиб яшайди. Хайвонлар бу касаллик билан отрмайди, бироқ уларнинг қониди

вирус клиник белгиларсиз, яширин холда кўпаяди. Шунинг учун касаллик одамга сўйилган уй хайвонларининг қони орқали ҳам юқиши мумкин. Вирус паст хароратга ўта чидамли, бироқ юқори хароратда (қайнатилганда ва қовурилганда) нобуд бўлади. Эҳтиёткорлик чоралари кўрилмаса, бемор қони орқали вирус тиббий ходимларга юқиши мумкин. Вирус мол, эчки, от, туяларда кўпроқ учрайди. Негаки улар эрта баҳордан то кеч қузгача далаларда боқилади. Уй шароитида боқиладиган хайвонлар кундузи далаларда, кечалари эса зах, тозаланмаган отилхона, молхоналарда тунайди, бу эса уларда қоннинг кўпайишига шароит тўптиради. Касаллик мавсумий характерга эга бўлиб, май-август ойларида каналарнинг фаоллашиши хисобига кўпроқ қузатилади. Геморагик иситманинг юқиш хавфи кишлоқ аҳолиси дехконлар, чўпонлар, ветеринарлар, кўй ва эчкиларни жунини олувчиларда, кассобларда юқори бўлади. Касаллик катталар ва болалар бирдай қилинади.

Касалликнинг кечиши. Вирус ор-

ганизмга тушиши билан касалликнинг яширин даври бошланади. Бу давр бир неча соатдан бошлаб 2-7 кунгача давом этади. Касаллик:

- хароратнинг кутарилиши (39-40 °C);
- баданнинг совук қотиб, қалтираши;
- мушакларнинг отриши;
- қўриш қобилятинингбузилиши ва кўздаги кон-томирларнинг ёрилиши окибатида кўзнинг қизариши;
- баданга майда қизил тошмалар тошиши;
- кон тупуриш, қоринда отрик, баъзида эса кон қусиш, нажаснинг қорайиши;
- бурундан кон кетиши каби холатлар билан намоеён бўлиши мумкин.

Юқоридаги холатлар қузатилса, зудлик билан шифокорга мурожаат этиш зарур. Шифокорга қанчалик эрта мурожаат этилса, даволаниш шунчалик самарали бўлиши унутмаслик лозим.

Касалликнинг олдини олиш учун:

- уй хайвонларини боқишда, молхона ва отилхоналарни тозалашда махсус химия қийимлари ва кўлоқлардан фойдаланиш;
- уй хайвонларини каналарга мунтазам текширтириб туриш;

• зинхор каналарни кўл билан терманг ва эзиб ўлдирманг, уларни пинцет ёрдамида ажратиб олинг ва ёкиб ташланг;

- хайвон боқиладиган отилхона, молхоналарни каналарнинг кўпайишига қарши воситалар ёрдамида зарарсизлантириб туриш;
- каламуш ва сичконларнинг кўпайишига йўл қўйманг;
- махсус дезинфекция марказларига мурожаат қилинг;
- хайвонларни сўйишда энги узун, махсус ажратилган уст-бош ва кўлоқ кийинг;
- каналар аниқланган молларни боқиш, молхоналарни тозалаш ишларига болаларни, хомилдор аёлларни жалб қилманг;
- қўлингизда жуда кичик жароҳатланган жой бўлса, хом гўшларни ушламанг. Гўшт нимталанган тахтақач, пичок ва идишларни совунлаб ювишга одатланг;
- беморларнинг биологик ажратмалари: қони, нажас ва сийдиги билан мулоқотда бўлувчи тиббий ходимлар, албатта, хўлхопларда ишлашлари зарур.

Р.ЯХШИЛИКОВ,
Навоий вилояти ФВБ ходими

Оиланинг асосий вазибаларидан бири, бу — унинг тарбиявий вазибаларидир. Яъни, ота-она томонидан бола тарбиясини тўтри йўлга қўйиш вазибаларни бажаришидир. Ушбу функциялар сифатида нафакат ота-она ва уларнинг фарзандлари орасидаги маълум бир муносабатлар, балки уларнинг асослари, яъни оиланинг маълум бир ҳаёт тарзи ва унинг аъзолари орасидаги ўзаро муносабатлар тушунилади. Ота-онанинг тарбия борасидаги ўқув-сизлиги, тарбиянинг нотўтри шакллари кўллаши оиладаги ўзаро муносабатларни мураккаблаштиради ва бола шахси ривожланишига салбий таъсир қўрсатади.

Оилавий тарбиянинг нотўтри шаклларида бири - зиддиятчи тарбиядир. Бунда оила аъзоларининг хар бири битта болага нисбатан турлича тарбия услубларини қўллайди, масалан, отаси ўта қаттиққўл, она

ОИЛА - ТАРБИЯ МАНБАИ

ўта меҳрибон ёки ота-она боланинг хулқини жуда назорат қилиб, масъулият билан унинг ахлоқий тарбиясини билан шугулланади, бўвилари эса аксинча, уни эркалатадилар. Бундай беқарор тарбия услубларини руҳшунос мутахассислар ўрганиб, унинг окибатида болада салбий характер хусусиятлари, масалан, қайсарлик, обрўли шахсларнинг тазйикини нотўтри баҳоллаш қабилар шаклланишини исботлаганлар. Ота-она тарбиядаги беқарорликнинг окибатларини тасаввур қилсалар-да, унинг олдини олишни билмайдилар. Кўпинча бу болаликка хос сифатлар эканлиги тўтрисидаги фикрлар уларни тинчлантиради. Аксарият ота-оналар боласини йўқотиб қўйиш ёки унинг қўнгли қолишидан қўрқиб

ҳам нотўтри тарбия йўллари тутади. Шунинг учун оилавий тарбия ўта мураккаб жараён бўлиб, унда ота-оналар олдиндан психологик жиҳатдан тайёр бўлишлари керак. Оилавий тарбияни бошқа ижтимоий муҳитда кечадиган тарбиядан фарқлаб туривчи бир қатор ўзига хосликлар мавжуд. Оилавий тарбия ўз табиатида қўра, туйтуларга асосланади. Агар оилада етарлича туйтулар уйтуниги бўлмаса, оиладаги муҳит носотлом бўлса, бундай оилада бола ривожланиши қийинлашади, оилавий тарбия шахс шаклланишининг салбий омилига айланади.

Тарбия жараёнида болага бўлган муносабатларда йўл қўйилган айрим ҳатолар бола ўлгайган пайтда, унинг келгуси ҳаётида жиддий му-

аммоларга айланиши мумкин. Ота-оналарнинг бола тарбияси ҳақидаги тасаввурларининг саёзлиги натижа-сида ҳам айрим муаммо, қийинчилик ва тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Гап шундаки, ота-оналар аксарият холларда тарбия жараёнида фарзандининг ўзига хос хусусиятларини, унинг қобиляти, майл ва истакларини етарлича хисобга олмайдилар. Улар кўпинча бола тарбиясини ўзлари ўйлаган йўналиш асосида ва маълум натижани кўзда тутиб амалга оширадилар. Назаримизда, ота-онанинг вазибалар боладаги ижобий ва салбий томонларни қабул қилиш билан бирга, ундаги афзал жиҳатларни рағбатлантириб боришдан иборатдир.

Подполковник Б.ЦАСАНБОЕВ,
Чирчин олий танк қўмондон-
муҳандислик билим юрти цикл
бошлғи

ОРЗУЛАРИМ БОШЛАДИ ЙЎЛГА

Устоз адабиётшунос олим Озод Шарофиддинов "Адабиёт тубсиз уммондир, унга шўнгиган сари дуру жавахирларни топиб бораверсан", - деган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам, адабиёт нафосат гулшани, чегара билмас тафаккур маконидир. Уни англаш, маънавий озук олиш, билимни киши учун саодат. Назаримизда шу бир-икки йил ичида ижод йўналишида анчагина ёш ижодкорлар бўй кўрсатди. Эшитишимча, энг чекка туманларда ўнлаб ёш ижодкорлар тўгараги фаолият бошлади. Матбуот саҳифаларини қузатсангиз, хар қачонгидан-да, мўлроқ назмий, насрий асарлар эълон қилинмоқдаки, бу ёш авлоднинг дурқун қадмларини қўриб қувонасан киши. Фарғонада Эркин Воҳидов, Андижонда Мухаммад Юсуф, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Сирдарёда Тўра Сулаймон ижод мактабларининг ташкил этилиши, каламкаш ўқувчилар, ёш хаваскорларга янада қаноат бағишлади. Мен адабиётни, янги асарларни ўқиб чиқдим. Чингиз Айтматов таъқидлаганидек, "Истеъдодли ёшларга ишонсанг, уларни қўллаб-қувватласанг, бир кун келиб, ўз мевасини беради", - деган ибратли сўзларига амал қилиб, қўлимдан қелганича ок йўл тиладим, панду насихатларимни бердим. Ана шундай каламкашлардан бири Максад Обиджондир.

Тунда йўлим ёритгучи чирогим,
Дардларимга сирдош суянган тогим.
Йўлим пойлаб, кечалари муштогим,
Елкамга мин, онам, Х,ажга борамиз.
Онажоним, бошингни солмагин қуйи,
Тугамас дунёнинг %еч мўнгли қуйи.
Муқаддас аталмиш Оллохнинг уйи,
Елкамга мин, онам, Х,ажга борамиз.

Хали коллеж ўқувчиси, адабиёт жону дили бўлган Максадбекнинг аксарият шеърлари онажониси, бундан ташқари, жаннатга қиёс, таъриф дoston Ватан ҳақида. Биз ҳамиша она-Ватан деган сўзни эгиз талаффуз қиламиз. Демокриманки, иккиси ҳам табаррук, иккиси ҳам мўътабар. Шунинг учун бу мавзуларда шунчаки шеър ёзиб бўлмайти. Бунинг учун юрак хапкириши, бутун вужуд меҳрга, муҳаббатга айланиши керак. Максад Обиджон буни теран хис этади, чуқур англайди, иккисига ҳам муносиб фарзанд бўлишга интилади:

Сен емадинг, болам деддинг,
Топганинг тутдинг, онам.
Гоҳо чексанг гам-алам,
Индамай ютдинг, онам.
Қўхна дунё берса синов,
Нолимадинг тақдир деб.
Дунё шундай чархи дундур,
Бизлар меҳмон ахир деб.

Кўп китоб ўқиган, билимга ташна ижодкор ёшларгина ижтимоий мавзуларда кўпроқ машқ қилади. Максаджон ҳам шундай. Эркин Воҳидов, Йўлдош Сулаймон, Боҳодир Исо, Малика Мирзаева, Охунжон Ҳақим каби водийнинг забардаст шоирларининг аксарият шеърларини ёд олган. Ёш бўлса-да, уларга муҳаммаслар бағишлаган интиланган. Гарчи барчаси муваффақиятли чик-маса-да, у изланипти, энг муҳими, қўлидан калам тушмайди. Максаджоннинг публицистикада ҳам анча қўли келиб қолган. Матбуот саҳифаларида ўндан ортик қамондошларимиз ҳақидаги мақолаларини ўқиб чиқдим. Бир нарсига амин бўлдимки, бу йигитдан яхши журналист ҳам чиқади. Тарихга назар ташлайлик, Худойберди Тухта-

боев, Охунжон Ҳақим, Йўлдош Сулаймон, Шокир-хон Ҳақимий каби эл назарига тушган адибларимиз ҳам дастлаб, журналист сифатида барақали ижод қилган. Кейинчалик адабиётимизнинг дилбар ижодкорларига айланган. Публицистика каламкаш чархлайди, пиширади. Уйлайманки, Максаджон назм билан бирга-

ликда кун руҳи билан ботлик мақолалар ёзишдан чарчамайди. Журналист жамият қўзи - буни терангрок англаш, атрофдагилардан бир қадам олдинда бўлиш керак. Ана шундагина қўнғилдагини ёза олади:

Яшайман максадлар билан,
Шижоатим, гайратим танда.
Улуг элнинг улуг фарзанди,
Ўзбекигим фахримдир, дада.

Соддагина қилиб, миллатидан, юртдан, ота-онаси, яқинларидан фахр туйтусини хис этиб, ижод майдонида қадим ташлаётган Максаджонга фақатгина ижодий парвозлар тиламан. Қелажакда барчамизнинг ишончимизни оқлайдиган, устозларига муносиб утлон бўлсин.

Пўлат ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Турон фанлар академияси академиги,
фахрий журналист



МАЪРИФАТ МАШЪАЛИ

Тошкент туманидаги 12-умумтаъ- жонкуяр ўқитувчиларидан бири лим мактабида буюк сиймоларимиз Умида Содикова ва бошка устозлар Алишер Навоий ва Мирзо Бобур рахбарлигида тайёрланган тадбир таваллудига багишланган адабий- дастури ва ташкил этилган ушбу маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда адабий кеча хаммада илик таассу- мактабнинг 5-6-синф ўқувчилари рот колдирди.

буюк сиймоларимиз хаёти ва ижоди Унда иштирок этган болалар ёз- тўғрисидаги ўз билимларини намо- увчиси, "Гулхан" журнали адабий йиш этдилар. Алломаларимиз ка- ходими Муҳаббат Хамидова ва бо- ламига мансуб шеър ва газаллар, лалар шоири Дилшод Ражаблар хикматли сўзларни чиройли ифода- буюк боболаримизнинг бокий меро-



ли ўқиш билан бирга, асарларидан сахна кўринишлари намойиш этди- лар.

Тадбирда махалла фаоллари, ўқувчиларнинг ота-оналари хам иштирок этиб, ёш авлоднинг таъ- лим-тарбияси, адабиёт ва бошка фанлардан олаётган билимла- рини кўриб, мамнун бўлдилар. Ўқувчилар томонидан ижро этилган кўшик ва рақслар иштирокчилар- га ўзгача завқ улашди. Мактабнинг

си, ўлмас ижоди, эзгу гоёлари, асарларининг бугунги кундаги ўрни ва ахамияти хақида сўзладилар. Ижодкорлар ўз ижодларидан ўқиб берган намуналар, шеър ва битик- лар ўқувчиларнинг олқишларига сазовор бўлди.

Ижодкорлар ва ўқувчилар ора- сидаги самимий мулоқот ва савол- жавоблар хаммага бирдай манзур бўлди.

Муяссар МАЛИКОВА, ўқитувчи

ЎРГДНИШ ТАДБИРЛАРИ

Андижон вилоятининг шахар ва туманларидаги буюм ва дехкон бозор- лари, овқатланиш жойлари, ўқув муассасалари, МТМлар ошхоналари, да- волаш-профилактика муассасаларида овқатдан захарланиш, кутуриш ка- саллиги билан боғлиқ фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида, тегишли хизматлар ходимлари хамкорлигида рейд ва ўрганиш тадбирлари олиб борилди.

Тадбирлар давомида ветеринария ва ободонлаштиш бўлимлари томо- нидан 64 бош каровсиз итларни йўқотиш ва кутуришга қарши 48 бош уй хайвонларини эмлаш, 14 бош каровсиз итларни тутиш ишлари ташкил этилди.

Уйма-уй юрилиб, жами 6411 та хонадонда аҳолига тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди. Мазкур тадбирларда фуқароларга овқатдан захарланиш, кутуриш билан боғлиқ фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан зарур тавсия хамда курсатмалар берилди.

**Лейтенант А.МАХМУДОВ, М.РАХИМОВ,
Андижон вилояти ФВБ ходимлари**

ОБОДЛИК

Таъкидлаш жоизки, республикаимиз бўй- лаб барча жабхада ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётгани, шубҳасиз, бу саяъ- харакатлар туфайли инсонларнинг эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бораётганидан ёркин далолатдир.

Ана шундай ижобий ўзгаришларнинг ёкимли эпкинни биз истикомат килаётган Кибрай шахарчасига хам етиб келди, десак янглишмаймиз. Негаки, бизлар умргузаронлик килаётган "Шодлик" махалласи худудида жойлашган "Садокат" кўчаси илгари ўйдим-чуқур бўлиб, кишда этигимиз- га лой-сув сачрар, ёзда эса янги харид килган туфлимизнинг бетини калин чанг босган холда мактабга катнар эдик.

Йўлларимизнинг носозлиги сабаб, уйимизга келган мехмонлар, кўшни махалладан мактабимизга катнайдиган ўқувчи дўстларимиздан уялардик. Коронги тушиши билан зимистон бошланарди, кечалари кўчада юришдан бир оз хадиксирардик.

Якинда кўчамизга асфальт ётқизишиб, йўлларимиз анча кенгайди, чуқурчалар ёпилиб, анча равонлашиб, кўркамлик касб этди. Бундан таш- кари, йўлнинг четидаги симёгочларга замонавий чироклар ўрнатилиши тўғрисида гап-сўзлар юрибди.

Хозирги кунда махалламиз ахли бундай ўзгаришлардан роса хурсанд бўлди. Бунинг учун эзгу ишларга бош қушган туман хокимлиги ва бошка мутасадди идора ходимларига миннатдорчилик билдирмоқдалар.

*Асфальтланди кўчалар, Ён-атроф бўлди обод,
Йўллар текис ва равон. Махалламиз ахли шод.
Коп-қоронги кечалар, Равон йўлдан қатнайман,
Бўлар энди чарогон. Дўстларимга мацтайман.*

**Сирождин СУЮНОВ, Тошкент вилояти, Цибрай туманидаги
1-сонли умумтаълим мактабининг 8 "В"-синф ўқувчиси**

АДАБИИ КЕЧА

Учтепа туманидаги 251-умумтаъ- лим мактабида ўқувчиларга таъ- лим-тарбияни тўлақонли бериш билан бирга, турли маданий-маъри- фий тадбирлар оркали уларнинг маънавий жихатдан етук қилиб ка- мол топтиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Мактаб директори, талабчан ва изланувчан рахбар Фарида Солие- ва хар бир ўқитувчини масъулият

билан ишлашга, таълим жараёнига янгиликлар, инновацион гоёларни киритиб, дарсларни кизикарли ва янада самарали бўлишига эришиш- га даъват этади.

Якинда 4"А"-синф ўқувчилари икки буюк бобокалонимиз - Навоий ва Бобур таваллудига багишланган маърифий-музыкали дастурларини тайёрлаб, намойиш этишди. Ўқув- чилар буюк сиймоларимизнинг



хаёти ва ижоди хақида маълумот бериб, уларнинг шеър-газал, ру- бойларидан ёд айтдилар. Музыка ўқитувчиси Ф.Махмудов рахбар- лигида тайёрланган кўшиқлар, рақслар тадбирга ўзгача кўрк ва файз багишлади. Кичик-кичик са- хна кўринишлари оркали улуг ал- ломаларимиз хаётидаги ёркин лав- халар тақдим этилди. Бу дастурни тайёрлашда фидойи ўқитувчи М.Сайдахметованинг катта хизмати, саяъ-харакатларини алохида айтиш

керак. Адабий кеча ёшлар калбига буюк аждодларимиз хаётидан иб- рат, ижодидан хикмат ўрганишда ўзига хос бир даъват, мактаб бўлди.

Кечада иштирок этган таникли ижодкорлар Шукрулло Абдуллаев, Сойиб Мирзо ва бошқалар бугун- ги тадбирнинг мохияти, улуг даргаларимиз ижодининг аха- мияти хусусида хикматли фикр-му- лохазаларини билдирдилар.

**Фахриддин МАХМУДОВ,
ўқитувчи**

VAZ SHI

Муассис:
**Ўзбекистон Республикаси
Фавкулудда вазиятлар
вазирлиги**

Бош муҳаррир
Дилшод РАЖАБОВ

Газета тахририят
компьютерхонасида
сахифаланди.

Газета хар хафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
Б.ВАЛИЕВ

Тахририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди
Илж ва изоҳ берилмайди. Муаллифлар
фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқлиниши мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
курсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам билан
руйхатга олинган.
ISSN 2091-5292
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т

Тахририят манзили:
100084, Тошкент шаҳр
Қи. чик. халқа йу. лн. 4
Тел.: 235-58-49, (97) 436-28-48

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
"BUSINESS PRINT PLUS"
МЧЖ босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сугалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 3700 нусха